



СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТЎХТАТИШ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аширбоев Ахроржон Тиркаш ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академияси Тергов фаолияти
кафедраси кабинет бошлиғи

E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11242518>

АННОТАЦИЯ:

Мақолада ишни судга қадар юритиш босқичида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш жараёнини тартибга солувчи нормалар таҳлил этилган. Шунингдек суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишни такомиллаштириш зарурати асослантириб берилган бўлиб, бу борадаги хориж тажрибаси, тергов амалиётида учраётган айрим муаммоли ҳолатлар, уларни бартараф этиш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: суриштирув, дастлабки тергов, дипломатик иммунитет, депутат, мансабдор шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи.

ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИНСТИТУТА РАССЛЕДОВАНИЯ И ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО РАССЛЕДОВАНИЯ

Аширбоев Ахроржон Тиркаш угли,


Начальник кабинета кафедры Следственной деятельности
Академии МВД Республики Узбекистан

E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com

АННОТАЦИЯ:

В статье анализируются нормы, регулирующие процесс прекращения дознания и предварительного следствия на стадии передачи дела в суд. Также обоснована необходимость совершенствования приостановления дознания и предварительного следствия, разработан зарубежный опыт в этом отношении, некоторые проблемные ситуации, встречающиеся в следственной практике, и обоснованные предложения по их устранению.

Ключевые слова: дознание, предварительное следствие, дипломатический иммунитет, депутат, должностное лицо, подозреваемый, обвиняемый.





Ashirboyev Axrorjon Tirkash o'g'li,

Internal affairs of the Republic of Uzbekistan
Academy of the Ministry of Investigation
the head of the cabinet of the department,
E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com

ANNOTATION:

The article analyzes the norms regulating the process of stopping the inquiry and preliminary investigation at the stage of bringing the case to court. Also, the need to improve the suspension of the inquiry and preliminary investigation was justified, foreign experience in this regard, some problematic situations encountered in the investigation practice, and justified proposals for their elimination were developed.

Key words: inquiry, preliminary investigation, diplomatic immunity, deputy, official, suspect, accused.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли қарори[1] да жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш, давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Жиноят-процессуал ҳуқуқ тизимида, жиноят ишини тўхтатишни такомиллаштиришда ушбу ҳужжатнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, унда

суд-тергов амалиётида, жумладан жиноят ишларини тўхтатишнинг самарали руёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигидаги айрим нормаларнинг мукамал эмаслиги билан боғлиқ бўлган қатор муаммо ва камчиликларнинг сақланиб қолаётганлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича, судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашнинг оптимал механизмларини яратиш вазифалари белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, ишни судга қадар юритиш босқичида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш жараёнини тартибга солувчи нормаларни таҳлил қилар эканмиз, ушбу жараёнда бир қатор муаммоли вазиятлар мавжуд эканлигини кузатишимиз мумкин.






Ўзбекистонда 2022 йилда 2021 йилга нисбатан содир этилган жиноятлар камайганлиги, бироқ шунга қарамасдан айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлганлиги, айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, башарти унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаганлиги, айбланувчи ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда жиноят ишларини тўхтатиш ҳолатлари бўйича кўрсаткичлар ўсиб бораётганлиги[2], шунингдек ишда айбланувчи тариқасида иштирок этиши лозим бўлган шахслар аниқланмаган ҳолатларда жиноят ишини тўхтатиш ҳолатлари ҳанузгача амалиётда долзарб эканлигини, бу турдаги жиноятларнинг фош этиш кўрсаткичлари йилдан йилга пасайиб бораётганлиги, суд-тергов амалиётида жиноят ишларини тўхтатишда хатоликларга йўл қўйилаётганлиги ҳам ишни судга қадар юритиш босқичида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишни такомиллаштирилишга муҳтож эканлигини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга ҳар қандай назарий кашфиёт, ишлаб чиқилган қонун ва билдириладиган фикрнинг амалиётда қандай фойдаланиши ва самарасига қараб унинг асослиги ва ҳаққонийлиги даражаси белгиланади. Шунинг учун ҳам, ҳар қандай илмий тадқиқот амалий фаолият жараёнлари мазмуни билан асосланган ва эмпирик базага таянган бўлиши талаб этилади. Суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишнинг самарадорлигини ошириши бевосита унинг амалиётда вужудга келаётган муаммоларни ўрганиш, илмий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали муайян ечимларнинг ишлаб чиқилишига бевосита боғлиқ.

Ишни судга қадар юритиш босқичида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишга оид ички ишлар органларининг тергов амалиётида юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимига доир фикрларни ўрганиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилди[3].

Мазкур сўровнома жараёнида “Сизнингча суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш асосларини такомиллаштиришга эҳтиёж борми?” деган саволга респондентларнинг 98 фоизи ҳа деб жавоб берган бўлса, қолган 2 фоизи такомиллаштириш шарт эмас деб жавоб беришган.

Ўрганишларимиз давомида мантиқийликка асосланган ҳолда қиёсий-ҳуқуқий ва тизимли таҳлил, статистик ҳамда социологик сўровлар ўтказиш, суд-тергов амалиётида мавжуд жиноят ишларини таҳлилий ўрганиш асосида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш билан боғлиқ юзага





келаётган ва шу билан боғлиқ қонун нормаларидаги баъзи бир муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

биринчидан, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 223-моддасида иммунитет ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси белгиланган бўлиб, бу тоифадаги шахслар ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмаслиги, фақатгина мазкур тақиб шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушсагина татбиқ этилмаслиги кўрсатилган. Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги 2004 йил 2 декабридаги қонунининг

11-моддаси иккинчи қисмида “Тегишли халқ депутатлари Кенгашининг розилигисиз депутат мазкур ҳудудда жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас”лиги бўйича қоида келтирилган. Табиийки бу ҳолатда бизда савол туғилади, суриштирувчи, терговчи бундай тоифадаги шахсларга нисбатан жиноят ишларини тергов қилиш давомида иммунитет ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан сўровлар юборганида жиноят ишининг тақдири нима бўлади? Бундан ташқари, агарда иммунитет ҳуқуқидан маҳрум этиш бўйича сўровлар юборилганда тегишли ташкилот томонидан рад жавоби берилган ҳолатларда суриштирувчи, терговчилар қандай ҳаракат қилиши даркор?


Иммунитет ҳақида гапирганда биз иммунитетни иккига ажратган ҳолатда кўришимиз мумкин.

1. Дипломатик иммунитет;

2. Амалдаги жиноят-процессуал кодексининг 223-моддасида кўрсатилган мансабдор шахслар.

Ушбу ҳолатларда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс унда дахлсизлик ҳуқуқи мавжуд эканлигини билгани ҳолда, айримлари ушбу дахлсизликдан ишончли ҳимояга эга эканликларини ҳис қилган ҳолда тергов органидан яширинмайди.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексимизнинг 223-моддасида “Депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини






ҳимоя қилиш бўйича вакил, судьялар ва прокурорлар ушлаб турилиши ҳамда ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмас. Мазкур тақиқ ушбу Кодекс 221-моддасининг 1-бандида назарда тутилган ушлаб туриш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди” деган норма мавжуд. Бироқ бугунга қадар ўз ечимини кутаётган айрим назарий ва амалий масалалар қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2004-йил 2-декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуни[4] 14-моддаси олтинчи қисмида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли палатасининг депутатни, сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик беришни рад этиши унга нисбатан жиноят ишини юритишни ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони назарда тутадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни истисно этадиган ва бундай ишларни тугатишга сабаб бўладиган ҳолат ҳисобланади», - дея қайд этилган. Бу каби ҳолатни

2021-йил 28-июлда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг[5]

64-моддаси тўртинчи қисмида, 2001 йил 29 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг[6] 49-моддаси иккинчи қисмида, 2004-йил 2-декабрда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг[7]

12-моддаси бешинчи қисмида, 2017-йил 6-апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги қонуннинг[8] 28-моддасида, шунингдек, 2017-йил 29-августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги қонуннинг[9] 19-моддасида ҳам кўриш мумкин.

Қолаверса, 1996-йил 27-декабрда қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида”ги қонуннинг[10] 10-моддасида адвокатга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги қарорига[11] мувофиқ ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари суриштирувчилари, терговчилари ва бошлиқларига нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси





прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қўзғатилиши мумкинлиги белгиланган. Маълум бўладики, адвокат, терговчи ва суриштирувчилар ҳам ўз фаолиятлари давомида қисман бўлса-да, иммунитет ҳуқуқига эгалар. Чунки, уларга нисбатан жиноят ишини энг камида фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қўзғатилиши мумкин.

Демак, депутатлар, сенаторлар, судьялар, судьялар олий кенгаши аъзолари, прокурорлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни жиноий жавобгарликка тортиш тегишли органнинг рухсати (розилиги) билан амалга оширилади. Маълумки, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, унга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш, ишга гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилишдан бошланади. Бу ўринда, агар тегишли орган ёки мансабдор шахс дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш, уларни ишга гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида жалб қилишга рухсат бермаса, ишнинг кейинги тақдири қандай кечади?, -деган ўринли савол келиб чиқади. Бундай ҳолат амалдаги жиноят-процессуал қонун нормалари билан тартибга солинмаганлиги туфайли, ушбу иш юзасидан бирор тўхтамга келиб бўлмайди. Яъни ишни тўхтатишнинг ҳам, давом эттириш ёки тугатишнинг ҳам имконияти йўқ. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, ишни юритаётган терговчи бу вазиятда боши берк кўчага кириб қолади.

Бу борада Б.Б. Муродов ўз илмий тадқиқоти давомида ЖПК

84-моддасининг биринчи қисмини: «Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун тегишли орган ёки мансабдор шахснинг розилиги талаб этиладиган ишлар юзасидан ушбу розиликнинг йўқлиги», -деб номланган янги асос билан тўлдириш зарур эканлигини, бу орқали шахсни жавобгарликка тортиш учун махсус розилик талаб этилган ишларни тергов қилиш давомида юзага келиши мумкин бўлган бошқа тушунмовчиликлар ҳам барҳам топишини маълум қилган[12].

Биз Б.Б. Муродовнинг фикрларига тўлиқ қўшиламиз. Сабаби, иммунитет ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан жиноят содир этган вақтда ҳамда уларни иммунитетдан маҳрум қилиш бўйича тергов органи томонидан сўровлар юборилганда рад жавоби берилган тақдирда жиноят ишини тўхтатиб туриш мантиқан олиб қараганда тўғри келмайди.






Ўрганилаётган масаланинг Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ва бошқа давлатлар ЖПКларида айнан ушбу йўсинда ўз ечимини топганлиги ҳам мазкур таклифнинг ҳар жиҳатдан асослилигини кўрсатади[13]. Бироқ, масаланинг иккинчи томонини олиб қарайдиган бўлсак, тегишли сўровлар юборилган вақтда ва унинг жавоби тергов органи келгунга қадар бўлган вақт оралиғида суриштирувчи, терговчилар нима қилиши керак? деган ўринли савол туғилади.

Фикримизча, бундай ҳолатда суриштирув ва тергов муддатининг асоссиз равишда ўтиб кетишини олдини олиш мақсадида амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 364-моддаси биринчи қисмини “Жиноят содир этган шахсни ёки айбланувчини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан розилик бериш ҳақида сўров юборилган вақтдан бошлаб тўхтатиб турилади”,- деган 5-банд билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 14 май куни «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сонли қарори URL: <https://lex.uz/docs/3735818> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 20.05.2022).
2. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаменти 19.03.2023 йил маълумотномаси.
3. “Ишни судга қадар юритишда суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишни такомиллаштириш” илмий тадқиқот доирасида ўтказилган сўровнома натижалари келтириб ўтилган.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида” қонунининг 14-моддаси. <https://lex.uz/docs/436914> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт 28.01.2024 йил).
5. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида” қонунининг 64-моддаси. <https://lex.uz/docs/5534923> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт 28.01.2024 йил).
6. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида” қонунининг 49-моддаси иккинчи қисми. <https://lex.uz/acts/106197> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт 28.01.2024 йил).





7. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида” қонунининг 12-моддаси бешинчи қисми.
<https://lex.uz/ru/docs/436950?ONDATE2=15.01.2021&action=compare> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт 28.01.2024 йил).
8. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси судьялар олий кенгаши тўғрисида” қонунининг 28-моддаси.
<https://lex.uz/docs/3153668> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт 28.01.2024 йил).
9. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида” қонунининг 19-моддаси. <https://lex.uz/docs/3321352> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт 28.01.2024 йил).
10. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Адвокатура тўғрисида” қонунининг 10-моддаси <https://lex.uz/acts/54503> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт 28.01.2024 йил).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 2-банди тўққизинчи хатбошиси <https://lex.uz/docs/3180665> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт 28.01.2024 йил).
12. Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc). дис. – Т., 2018. – Б. 47-48.
13. МДҲ Республикалари ЖПК модели: Интернет веб манзили: <http://www.cis-legal-reform.org>.

